ГАБРИЭЛ ГАРСИА МАРКЕС

# БУЗРУКНИНГ КУЗИ

*РОМАН*

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2008

Таржимон
ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ

ISBN 978-9943-08-259-5
© Габриэл Маркес "Бузрукнинг кузи". "Янги аср авлоди", 2008 йил.

Kitobxon.Com

Габриэл Гарсиа Маркес (1928 йилда туғилган) – Жанубий Америка қитъасидаги Колумбия мамлакати адиби. Илк ижодини ўткир журналистик очерклар, мақолалар ва серможаро ҳикоялар билан XX асрнинг эллигинчи йилларида бошлаган. Унинг илк йирик асари «Хазон япроғи» қиссаси 1955 йилда чиққан. У Лотин Америкаси мамлакатлари халқларининг тарихий тақдирлари, озодлик ва тараққиёт учун ўта фожиали, ўта қонли, шафқатсиз курашларини ва бу курашлар тегирмонига тушган ранг-баранг инсон қисматларини юксак эмоционаллик билан акс эттирди. Унинг «Полковникка ҳеч ким ёзмайди» (1958), «Ёвуз соатда» (1962) роман ва қиссалари, «Катта Онанинг дафни» (1962) ҳикоялар китоблари тез тилга тушди ва адибга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Кўп ўтмай Маркеснинг «Юз йил танҳоликда» (1967) ва «Бузрукнинг кузи» (1975) деган катта роман-эпопеялари дунёга келди. Уларда Лотин Америкаси тарихининг жўшқин воқеалари юксак бадиият ва таъсирчанликда ёритилди. Бу асарлар кўплаб дунё мамлакатларининг миллий тилларига таржима қилинди. Маркес бу асарлари билан дунё адабиётининг энг буюк адиблари қаторига кўтарилди ва энг кўп ўқиладиган адиблар сирасига кирди. Адиб ўз ижодий манифестида эркин роман тарафдори бўлиб чиқди. У «роман-миф», «роман-мўъжиза» сингари наср турларининг дунёга келиши ва китобхонлар қалбидан мустаҳкам жой эгаллашида катта улушини қўшди.

Адибнинг бадиий-ижодий услубида кучли реализм қудратли азал мифологизм билан чамбарчас чатишиб кетади. Ижтимоий инсон ва мифологик инсоннинг ажойиб қуйма образлари яратилади. Азал ҳиндулар, испанлар, инглизлар, шимолий америкаликлар ва бошқа кўпдан-кўп дунё халқларининг вакиллари бир-бирига чатишиб кетган Лотин Америкаси мамлакатлари адабиёти ва санъатлари учун бу ниҳоятда табиийдир.

Фантазия ва гротеск бу оригинал фусункор бадиий услуб тўқимасининг замирига табиий тарзда кириб боради, воқеалар, тақдирлар драматизмини беҳад, чексиз бойитади, кучайтиради. Маркес Лотин Америкаси ва у оша янги жаҳон насрида фусункор реализм деб аталган ўзига



Kitobxon.Com

хос йўлнинг асосчилари ва ёрқин намояндаларидан биридир. Адибнинг «Олдиндан маълум бўлган ўлим тарихи» (1981), «Вабо чоғидаги муҳаббат» (1985), «Содда қиз Эрендира, унинг тошбағир бувиси ҳақида ғаройиб қайғули қисса» (1972) сингари асарлари умумжаҳон адабиётларида инсон ҳақида айтилган янги сўз бўлди. Булар унинг ижодиёти тимсолида янги бадиият, янги сўз поэтикаси дунёга келганлигидан дарак берди. Габриэл Гарсиа Маркес 1982 йилда адабиёт соҳасида Нобель мукофоти билан тақдирланди. Бундан бир неча йиллар бурун Маркесни ўзбек тилига ўгириш тажрибаси бошланиб, унинг машҳур «Юз йил танҳоликда» романини китобхонлар ўқишга муяссар бўлган эдилар. Буюк адиб ижоди билан ҳозирги замон ўқувчиларини кенгроқ таништириш мақсадида Маркеснинг «Бузрукнинг кузи» деб аталган фусункор реализм адабиёти учун ниҳоятда жозибадор бўлган роман-эпопеясини ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқдамиз. Романда воқеалар жуда олис тарихлардан келаётган ягона оқим сифатида тасвирланади. Шиддатли тезоқар оқим ва унинг даҳшатли пўртаналари ичида унинг иштирокчилари – алоҳида шахслар – индивидумлар ва ялпи тарих иштирокчи халқнинг ўртанган, ёнган, куйган, изтиробга тўла ҳайқириқ-нидоси доим эшитилиб туради. Гватемалалик машҳур адиб, Нобель мукофоти лауреати Мигель Анхел Астуриас «Лотин Америкаси романи бу – асрлар қаъридан келаётган алам-изтироб нидосидир», деган эди. «Бузрукнинг кузи»да бундай алам-изтироб ҳам нола, ҳам нидо, ҳам ҳайқириққа айлангандир. У гуманизм ва антигуманизм ҳақидаги жаҳон адабиётининг ёрқин саҳифаларидандир.

***Таржимон***

Kitobxon.Com

Ўлаксахўр калхатлар ҳафтанинг охирида деразаларнинг сим тўрларини чўқиб йиртиб, деразалар ва айвон орқали президент саройига кирдилар, қанотларини қоқиб сарой пучмоқларида қотиб қолган вақтнинг бўғиқ ҳавосини тўзғитиб юбордилар, ва ниҳоят, душанба куни эрта тонг чоғида шаҳар ўзининг пўпанак босган бутун улуғворлиги билан асрий карахтликка чўмган уйқусидан уйғонди; фақат шундан кейингина биз ичкарига киришга журъат этдик, ҳолбуки шунгача ичимизда баъзи бир энг ботирларимиз нураган истеҳком деворларини ёриб ўтиш, бошқа бировларимиз эса бош дарвозани ҳўкиз араваларнинг шотилари билан уриб йиқитишни таклиф қилган бўлсалар-да, бунга ҳеч қандай ҳожат қолмаганлиги аён бўлди, бинобарин, қўлимиз тегмасданоқ алмисоқдан қолган замонларда Уилям Деймпер[1]нинг замбарак ўқларига дош берган ушбу темир қопланган дарвозалар ўзидан ўзи ланг очилиб кетди, ва мана ниҳоят биз ўтмишга қадам қўйдик, ва сал бўлмаса ҳокими мутлақнинг харобага айланган ушбу улкан уясида ҳаво етишмай бўғилиб ўлаёздик, ҳар ҳолда бунда ҳатто сукунат ҳам чирик, нур ғира-шира, мана шу қалқиб турган беқарор ёруғликда барча нарсалар мубҳам кўринарди; тош пилталари қушқўнмас ўти чиқиб, ўрнидан кўчиб ёрилиб ётган ташқи ҳовлида биз қочиб кетган қўриқчилар пала-партиш улоқтирган қурол-яроғлари, аслаҳа-анжомларга дуч келдик, устига якшанба дастурхони ёзилган, қалашиб ётган идишларда саросима ичида ташлаб кетилган овқатларнинг сарқитлари сасиб-бижғиган узун тахта столни кўрдик, ярим қоронғу бадқовоқ бино олдидан чиқдик, бунда бир маҳаллар маҳкама жойлашганди, бунда уюм-уюм кўриб чиқилмаган иш қоғозлари устидан заҳарли, йилтироқ қўзиқоринлар бод-

---

[1] *Уилям Деймпер* – XVII аср охири – XVIII аср бошларида яшаган инглиз денгиз сайёҳи.

раб чиққан, туссиз қўланса гуллар очилган, ишларнинг қурилиши эса энг бемаъни, энг салиқасиз ҳаётдан ҳам кўра узоқроқ чўзилган эди; биз яна бу ҳовлида шоҳсупа тепасига купел[1] ўрнатилганини кўрдик, бу саройда истиқомат қилганларнинг бешта авлоди унда чўқинтирилган эди. Яна ҳовлининг ичкарисида вице-қиролнинг арава саройга айлантирилган алмисоқдан қолган отхонасига кўзимиз тушди, бунда ғужғон ўйнаб учган куялар орасида Буюк Шовқин даврининг каретасини кўрдик, вабо вақтининг усти ёпиқ араваси, Думли юлдуз чиққан йилнинг от-араваси, Тараққиёт доирасидаги тартиб-интизом замонининг дафн маросими улови, Илк Тинчлик Асрининг телбакезик лимузини ҳам шу ерда эди, яна буларнинг бари чанг-ғубор ва ўргимчак уяси билан қопланган бўлса-да, анча яхши сақланиб, улар миллий байроқнинг рангларига бўялганди; ундан кейинги ҳовлида темир панжаралар ичра худди ойнинг гарди ёғилгандай нуқра атиргуллар очилганди; бу истинодгоҳнинг энди ўтмишга айланган гуллаб-яшнаган нурафшон замонларида ушбу гуллар тагида пес-моховлар ётиб ухлашарди; қаровсиз қолган гуллар тарвақайлаб ўсиб, шох-буталари бутун атрофни тутиб кетганди; ҳавода атиргулларнинг бўйи анқирди, бироқ унга боғнинг ичкарисидан чиқаётган қўланса ҳидлар қўшилар, бунга товуқхонанинг сассиғию сигирлар чалпакларининг бўйи, шунингдек, аскарлар сийдигининг шиптир ҳиди ҳам аралашиб кетарди – аскарлар эса эски вақтлардан буён мустамлака бутхонасининг деворлари орасига чоптиришарди, ҳозир бу ер сут фермасига айлантирилганди; атиргулларнинг буталари орасидан нафасимиз қайтиб, бўғилиб, димиқиб ўтдик-да, арк айвонига чиқдик, бу ерда тувакларда ўсган чиннигуллар, япроқчалари қат-қат бахмалгуллар, капалакгуллар чаман очилиб ётарди; бу ер унинг хотинлари учун қурилган товуқхонанинг ташқи айвони бўлиб, ҳар жойда тўда-тўда бўлиб уюлиб ётган латта-путталар, ашқол-дашқоллар ва тикув машиналарининг кўплигига қараб, бу капада қанча хотинлар яшаганлигини билса бўларди; сони мингдан асло кам бўлмаган хотин-халажнинг ҳар бирининг бир этак чала туғилган

---

[1] Купел – чўқинтиришда ишлатиладиган идиш.

чурвақалари бор эди. Ошхоналар қаровсиз, билиқсиб ётарди, тосларда ювиш учун ташланган кийим-бошларни моғор босганди, солдатлар ҳамда хотин-халаж учун умумий бўлган ҳожатхонанинг оғзи ўрадай очилиб ётарди, — яна улкан тос-тувак идишларда Кичик Осиёдан тупроғи билан бирга келтирилган Бобил самбит гулларини кўрдик — уларнинг япроқлари худди аёзда шудринг тушгандек кўкимтир товланарди — самбитгуллар ортида эса кўз ўнгимизда унинг боргоҳи — баҳайбат, бадқовоқ, хўмрайган уй гавдаланди, темир қопқалари кўчириб ташланган яланг деразалардан ҳали-ҳамон калхатлар дам учиб киришар, дам учиб чиқишарди; эшиклар турмини бузишга ҳожат қолмади, худди бизнинг сасларимизга бўйсунгандай улар олдимизда ўз-ўзидан очилди-қўйди, ва ниҳоят, биз гулли ҳашамдор гилам тўшалган тош зинадан асосий — юқори қаватга кўтарилдик — гилам сигирларнинг туёқлари остида топталиб кетганди — биз биринчи саҳндан тортиб, охирги хобгоҳгача барча хоналарни бирма-бир қараб чиқдик, барча хизматхоналару сон-саноқсиз қабулхоналардан ўтдик, қайга бормайлик, ҳамма ерда боқибеғам сигирлар тентираб юришарди; улар барқут пардаларни ямлашар, юмшоқ ўриндиқларнинг шоҳи жилдларига сўлакайларини оқизишар, синган ашёлар ва янгигина ташланган сигир чалпаклари орасида ётган муқаддас санамлару саркардаларнинг суратларини топташарди; ошхона ва концерт залида ҳам сигирлар тўда-тўда бўлиб юришар, пишқириб бу ерларни ҳаром қилишар, ҳамма ерни сигирлар эгаллаган эди; яна биз домино ўйналадиган синиб ётган столларни, худди сигир подалари ўтгандан сўнгги ўтлоқларга ўхшаб оқиш-кўкимтир бўлиб қолган бильярд столларининг матоларини кўрдик, бир бурчакда шамол паррак тўнтарилиб ётар, бу уйнинг эгалари ўз соҳилларини ташлаб кетган денгизни соғиниб ўртанмасликлари учун унинг парраклари истаган йўналишда денгиз шамолига ўхшатиб елпир эдилар; биз яна ҳар жойда осилиб турган, устига ёпқич ташланган қушларнинг қафасларини кўрдик — улар ўтган ҳафта кечаси ёпиб қўйилган ҳолича қолиб кетган эди; сон-саноқсиз деразалардан эса шаҳар кўриниб турарди — у ўз бошига тушган тарихий душанба воқеаларини ҳали англаб-англамаган улкан махлуққа

ўхшарди, шаҳардан нарида эса бир маҳаллар денгиз тўлқинланиб ётган охири кўринмайдиган текисликда худди ойнинг шалдироқ кули каби уюм тепаликлар, вулқонларнинг ҳувиллаган ҳалқумлари ҳув уфқларга довур чўзилиб кетарди; яқинларда ҳар ким ҳам киришга журъат этолмайдиган ёпиқ ибодатхона ортидан эса чириган ҳид – ўлимтиклар ҳиди анқирди, у ердан калхатларнинг ҳирқираб нафас олган саслари эшитиларди, ва биз ўша ёққа қадам босдик, кўнгилни айнитадиган ёмон ҳидлар келаётган ва калхатлар учаётган томонга қараб юриб, мажлислар залига етиб бордик, бунда ҳам яна сигирлар устидан чиқдик, фақат улар ўлиб ётишар, тўшларида қуртлар ўрмалашар, залнинг улкан ойналарида уларнинг ясси биқинлари кўпайиб акс этарди; биз ён томондаги унинг хонасига элтадиган эшикни итардик, ва шунда уни ҳеч қандай аломат-нишонлари бўлмаган ҳарбий дала кийимида, оёғида этик билан ётганлигини кўрдик; чап оёғидаги этик пошнасида олтин нағал ярақлаб турарди; ер юзасидаги ўлимга маҳкум ҳар қандай жонзотдан ёши улуғроқ, сув ва қуруқликдаги ҳар қандай азалий махлуқдан ҳам қарироқ бу зот кафтларини ёстиқдай ёзиб, унга юзини босганча мук тушиб ётарди – гўшанишин мустабид ўз узоқ ҳаётининг ўзидан узоқ кечаларида доим мана шундай алфозда ухларди; аммо башарасини кўрмоқчи бўлиб ағдарганимизда, уни таниб бўлмаслигини тушундик, гап унинг башарасини калхатлар чўқиб ташлаганида ҳам эмасди; уни ҳаётлигида ҳеч биримиз кўрмаган бўлсак, уми – у эмасми, қайдан билайлик? Гарчи унинг афтбашараси ён томондан танга пулларга бўрттириб зарб қилинган, алоқа маркаларига туширилган, ични юриштирадиган дори-дармонларнинг ёрлиқларию белдамчалару шоҳи туморларда акс эттирилган ва гарчи унинг кўксида байроқ ҳамда аждаҳо билан тасвирланган чорчўпга солинган тошбосма сурати ҳар доим ҳам ҳамма ерда ҳар кимнинг шундоқ кўз ўнгида турса ҳам, биз билардикки, булар энг қадимги нусхалари бўлиб, улар Думли Юлдуз йилидаёқ аслига тўғри эмас деб топилган эди, ўша пайтлар бизнинг ота-оналаримиз ўз навбатида ўз ота-оналаридан, улар эса ўз катта боболаридан унинг кимлигию кўриниши қандайлигини сўраб билишаркан; биз жуда ёш чоғимизданоқ унинг мангулиги

ва Ҳокимият Уйи ва мангу ҳукмронлигига ишониб ўрганган эдик; биз байрам арафасида оқшом пайти Ҳокимият Уйидаги қўналғасида думалоқ шамлар ёққанини кимлардир кўрганини билардик, кимлардир унинг ғамгин кўзлари, президент каретаси дарчасида эса унинг оқарган дудоқларини кўрганлиги ҳақидаги гап-сўзларни эшитардик, аллакимлар худди черковнинг ҳошиядор енгчаси каби нуқра кашта билан безатилган дарпарда узра узатилган — ҳувиллаган, бўм-бўш кўчани хаёлчан саломлаган қўлларини кўрганлигини билардик, унинг соғ-саломат эканлигини бир кўр дайдидан эшитгандик, кўп йиллар бурун ўша дайди якшанба куни унутилиб кетган Рубен Дарио деган шоирнинг шеърларини беш чақа ҳақ олиб ўқиб юрганда кўчадан ушлаб олиб кетишган, лекин тез орада чўнтагига битта тоза тилла танга солиб омон-эсон қўйиб юборишган, буни фақат унинг ўзи учунгина ташкил этилган шеърият кечасининг ҳақи деб тортиқ қилишган эди; албатта, дайдининг кўзлари кўр, шунинг учун унинг ўзини кўрмаган эди, лекин мабодо кўр бўлмаганда ҳам, барибир генерални кўролмасди, зеро Сариқ безгак замонларидан буён уни биронта тирик зот кўрган эмас эди. Шунга қарамасдан, биз барибир унинг борлигини билардик, чунки ахир, ер айланарди, ҳаёт давом этарди, хат-хабарлар канда қилмай келиб турарди, шаҳар идорасининг мусиқа жамоаси эса де Армас майдонининг чанг босган пальмалари ва маъюс хира фонарлари остида то шанба дам олиш жоми чалингунча тентакнамо вальслар ўйнаб турарди, ва ҳамиша янги қари мусиқачилар ўлганларнинг ўрнини босишарди, ҳатто энг сўнгги йилларда ҳокимият истинодгоҳидан на одамлар товуши ва на қушлар сайроғи эшитилганда, зирҳ билан қопланган дарвозалар очилмай қўйганда ҳам, биз даргоҳда кимдир борлигини билардик, зотан илгари денгиз томонга очиладиган, худди кема иллюминаторлари сингари деразаларда шуъла пайдо бўлганини кўрардик, мабодо агарда аллаким яқинроқ боришга журъат этса, истинодгоҳнинг баланд деворлари орқасида туёқларнинг тасирлашию аллақандай йирик ҳайвонларнинг пишқиришларини эшитардик; кунлардан бир куни январь ойида эса биз президент балконида туриб кун ботишини томоша қилаётган сигирни кўриб қолдик; ўзингиз тасаввур

қилинг, ватаннинг бош балконида сигир турган бўлса-я! Қанчалар бемазагарчилик! Шу ҳам мамлакат бўлдими?! Бироқ кейин ҳамманинг боши қотиб, шубҳаси ортди, шундай бўлиши мумкинми ахир, президент балконига сигир чиқиб олиши ақлга сиғадими? Ахир сигирлар пиллапоялар, бунинг устига сарой пиллапояларида ва яна гилам пойандозлар тўшалган ерларда бемалол сайр қилиб юриши мумкинми? Шундан кейин гап-сўзлар шунчалар кўпайиб, авж олиб кетганки, охири биз нима деб ўйлашни ҳам билмай қолдик: биз ўзи бу лаънати сигирни президент балконида кўрдикми, йўқми ёки кунлардан бир куни кечқурун де Армас майдонида бизга шундоқ бўлиб туюлдими? Ахир бу балконда аллақачонлардан бери ҳеч ким ҳеч нарсани кўрмаган, отинг ўчкур жума кунининг тонготарига довур шундай бўлиб келган, кейин бу ерга, одатда, камбағал бечоралар беморхонаси бўғотларида мудраб ўтирадиган биринчи калхатлар келишди; лекин шу калхатларнинг ўзигина келгани йўқ, олис-олислардан жуда кўп тўдалар пайдо бўлди — уларнинг адоғи йўқ, кети узилмасди, бир пайтлар анави уфқ ортида, ҳозир илгариги денгиз ўрнида чанг-тўзон уммони тўзғиб ётган томондан худди тўлқинларсимон ёпирилишарди; кун бўйи калхат тўдалари ҳокимият қароргоҳи узра оҳиста-оҳиста сузиб юришди, сўнг ниҳоят уларнинг етакчиси — узун бўйни худди тож каби оппоқ укпарлар билан безанган уларнинг подшоҳи ўзига маълум тилда амру ишора қилди, шундан кейин ойналар шарақлаб сингани эшитилди, улуғ майитнинг уфунати тарқалди, калхатлар ўзларини ҳар томонга уришар, дуч келган деразалардан учиб чиқишарди, эгаси тарк этмиш хонадонда, тирик зот қолмаган ерда худди мана шундай бўлади; душанба куни биз ҳам юрак ютиб кириб бордик, бўм-бўш истинодгоҳда ўтмиш ҳашаматларнинг харобаларини кўрдик, унинг гавда-лошини топдик, калхатлар юзини чўқиб ташлаган қўллари хотинларникига ўхшаш силлиқ эди — ўнг қўлининг отсиз бармоғида давлат муҳри туширилган узук тақилган эди; бутун танасига ва айниқса қўлтиғи ва човларига майда тошма тошган эди; белидан брезент белдам ўтказилган, у худди буқанинг буйрагидай шишиб кетган каттакон даббасини тутиб, кўтариб турар, калхатлар унинг фақат даббасигаги-

KITOBXON
BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to‘liq versiyasi https://kitobxon.com/oz/asar/1688 saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси https://kitobxon.com/uz/asar/1688 сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте https://kitobxon.com/ru/asar/1688